



# “ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ”

Президент Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг

15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида

ўтказилган халқаро анжуман очилиши маросимидағи нутқининг  
мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича тақдимот материали

# КИРИШ

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори туфайли мустақиллик йилларида жаҳон илм-фани, маданияти ривожига, инсоният маънавияти такомилига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг биз учун ардоқли бебаҳо меросини ўрганиш, шу билан бирга, уларнинг ибратли ҳаёти ва ижоди, беназир кашфиётларининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақидаги билимларни оммалаштиришга қаратилган ҳаракат бугун ўз самарасини бермокда.



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуида халқаро анжуман ташкил этилди. Конференцияда элликка яқин мамлакат, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувайт, Россия, Озарбайжон каби давлатлардан таниқли олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари профессорлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, эксперталар иштирок этди.

# НИМА УЧУН АЙНАН САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛДИ?



Халқаро конференциянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, бу шаҳар жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан биридир. Бу ердаги обидалар, маданий ёдгорликлар аждодларимиз даҳосидан, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайди. Самарқанднинг гўзал ва сўлим табиати, қадимий ва замонавий ишоотлари бутун дунёни ўзига мафтун этиб келади.



Бугунги конференциямиз ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд заминида ўтказилаётгани бу анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлиб, унинг аҳамиятини янада оширади.

Ислом КАРИМОВ



[www.aza.uz](http://www.aza.uz)



[www.aza.uz](http://www.aza.uz)

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бўлган қадимий ва навқирон Самарқанднинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам. Айни шу мулоҳазалар асосида мазкур юксак нуфузли халқаро конференциянинг Самарқандда, қадимий чиройи ва салобатини тиклабгина қолмай, истиқлол йилларида янада кўрку тароват касб этган шаҳарда ўтказилиши анжуман ғоясининг тўлиқ ифодаси учун хизмат қилди.

Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда “абадий шаҳар” деган ном билан бутун дунёда шухрат қозонгани бежиз эмас, албатта.

Ислом КАРИМОВ





## 1 – МАВЗУ:

Тинчлик ва барқарорлик бўлган  
жойдагина илм-фан ривожланади,  
равнақ топади

# САМАРҚАНД ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА



Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг  
660-йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг  
600-йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан  
бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг  
салобатли ҳайкали қад ростлади. Улуғбек  
расадхонаси ва мадрасаси қайта таъмирланди.



Президентимиз фармонига мувофиқ  
1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд шахри Амир  
Темур ордени билан мукофотланди.

Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд  
куни сифатида нишонлаб келинмоқда.

# A Ф Р О С И Ё Б

Самарқанд тарихини ўрганиш истиқлол йилларида изчиллик касб этди. Хусусан, Афросиёб тепаликларида олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқотларда шаҳар аркининг энг қуий қатламлари ўрганилди. Эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда бунёд этилган бу девор Марказий Осиёдаги энг қадимий мудофаа истеҳкоми ҳисобланади. Бу ердан топилган кўхна буюмлар Франция илмий тадқиқотлар миллий марказига қарашли лабораторияда тадқиқ қилинди. Таҳлиллар Афросиёб ашёлари 2750 йиллик тарихга эга эканини кўрсатди.

# ЮНЕСКО ЭЪТИРОФИ



ЮНЕСКО қарорига мувофик, 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу қутлуғ тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллашди. Ўнлаб ижтимоий-маиший иншоотлар, кўркам боғлар, хиёбонлар барпо этилди. Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари ҳамда Улуғбек расадхонасини бирбирига боғловчи кичик ҳалқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳли ва сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратди.



Президентимиз раҳнамолигида Самарқанднинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмокда. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш мақсадида барпо этилган магистрал йўллар, боғу хиёбонлар, таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт масканлари ва меҳмонхоналар қадим шаҳар кўркига кўрк кўшмокда.

# ЯНГИ МУҲТАШАМ МАЖМУА



www.uzat.uz



Самарқанд шаҳрида Регистон майдонида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзали атрофи ободонлаштирилди, яна бир муҳташам мажмуа – Қабуллар уйи барпо этилди.

# ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



Қабуллар уйида жорий йилнинг 15 май куни ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.



Конференция ишида ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани минтақавий бюроси директори Хуберт Гизен ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрни ҳақида сўзлади. Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш, фан ва таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратაётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик изхор этди.



# ШАРҚНИНГ УЛУҒ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КАШФИЁТЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ИЛМ- ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Анжумманинг ялпи мажлисида АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредрик Стэрр, япониялик бобуршунос олим, Рюкоку университети профессори Ейжи Мано, Қохира университети профессори Магида Махлуф, “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел, белгиялик профессор Юл Янссенс, Нидерландиянинг Утрехт университети доценти Вилфридде Грааф, Япониянинг Токай университети профессори, шарқшунос олим Масатака Такешита, Хитой Фан ва технологиялар университети тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнлива ва бошқалар Шарқ алломаларининг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида маъруза қилдилар.



# БҮЮК АЖДОДЛАРИМIZНИНГ МАҢНАВИЙ ЖАСОРАТИ – КЕЛАЖАҚ АВЛОД УЧУН ТАРБИЯ ВА ИБРАТ МАНБАИ

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас дахосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиши ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилгани, улуғ аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Белгия ва Латвияда Ибн Синога, Латвияда Мирзо Улуғбекка, Япония, Россия ва Озарбайжонда Алишер Навоийга, Мисрда Аҳмад Фарғонийга ўрнатилган ҳайкаллар халқимиз тарихига чукур ҳурмат ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта турткы берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъанаалар, тегишли шартшароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак.



Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз худудида илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олиму шоирлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлок, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий обидалар бутун башариятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Бугунги конференциянинг мақсади — Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур мұхокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо берішдан иборат. Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилған саъй-харакатларга янги туртқи бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилған кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик мухим деб ҳисоблайман.

Ислом КАРИМОВ



# БОЙ ТАРИХИМИЗ, БЕБАҲО МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА БОЙИТИЛИШИ

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидағи бекиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши — буларнинг барчаси, биринчи навбатда, иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карvon йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.

Ислом КАРИМОВ

Чунки тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиши, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйқуга ётиб, эрталаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдиғини топган.

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ:

Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далолат беради.

XI-XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрфазигача бўлган ҳудудлардаги қўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган.

Ислом КАРИМОВ

**Милодгача бўлган II асрдан  
милодий XV асрга қадар  
қадимий халқаро транспорт  
arterияси вазифасини  
бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва  
Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин  
Шарқ, Ўрта ер денгизи  
минтақаси каби ҳудуд ва  
мамлакатларни боғлаб келган  
Буюк Ипак йўлининг  
аҳамияти бекиёс бўлган.**



# **БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ АҲАМИЯТИ:**


**Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта ер денгизи миңтақаси каби ҳудудлар ўртасида савдо-сотик алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди,**

**янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қофоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида,**

**қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарди,**

**шу тариқа цивилизациялараро мулокот ва технологиялар алмашуви учун шарт-шароитлар яратди.**

**Бу давларда турли  
мамлакатлар халқларининг  
илмий билим ва ютуқлар  
билин бир-бирини бойитиб  
бориши билан Буюк ипак  
йўли алоҳида роль ўйнади.**



**Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса  
Осиёга Шарқ ва Фарб оламидаги улуғ аллома ва  
мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар  
етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва  
антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг  
илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун  
амалий имконият вужудга келди.**

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда хукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва “Байтулҳикма”, яъни “Донишмандлик уйи” деган ном билан шухрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.





**2-МАВЗУ:  
ШАРҚ АЛЛОМА ВА  
МУТАФАККИРЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ МЕРОСИ ФАҚАТ  
БИР МИЛЛАТ ЁКИ  
ХАЛҚНИКИ ЭМАС, БАЛКИ  
БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ  
МАЪНАВИЙ МУЛКИ**

**Бугун факатгина Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда.**

**Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёning Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Хиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидағи кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади.**

Бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш — бу сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир. Бу борада фидойи олимларнинг роли алоҳида дикқат-эътиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўтмишнинг бебаҳо илмий меросини қайтадан кашф этмоқдамиз.

Биласизми, мен бაзан үйлаб қоламан, дунёда фанлар кўп, илм-фанинг ажойиб ютуқларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Мен бундай машаққатли меҳнатдан доимо ҳайратга тушаман. Бизнинг халқимизда “Илм билан шуғулланиш — игна билан қудук қазиш билан баробар” деган мақол бор. Ана шу игна билан қудук қазиётганлар бор бўлсин! Улар қўлёзмалар устида 10-20 йиллаб ва ҳатто умрбод ишлаётган инсонлардир. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган инсонлар қалбида буюк даҳолар меросини бутун дунёга намоён этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайди.

Ислом Каримов



**ШАРҚ АЛЛОМА ВА  
МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ  
МЕРОСИ БЕБАҲО МАЪНАВИЙ  
БОЙЛИК СИФАТИДА**



# МУҲАММАД МУСО ХОРАЗМИЙ

Ўша даврдаги энг буюк мутафаккир олимлардан бири Муҳаммад Мусо Хоразмийдир. Бугун бутун дунё фойдаланадиган ҳисобкитоб амаллари, замонавий технологиялар фаолияти ана шу бобокалонимиз яратган қоидаларга асосланади. Бутун дунё Хоразмийнинг илм-фан ривожи йўлидаги ҳиссасини юксак қадрлайди, уни вояга етказган заминга алоҳида эҳтиром билан қарайди.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирав эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожида кескин бурилиш ясади.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аник қоидаларини ишлаб чикди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожидаги хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда агадийлаштирилди.

# АҲМАД ФАРҒОНИЙ


Аҳмад Фарғонийнинг “Астрономия асослари” номли асари ўн иккинчи асрда лотин ва иврит тилларига таржима қилингани, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани унинг нақадар улкан аҳамиятга эга лигини кўрсатади. Алломанинг Ер шарсимон шаклда эканлиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб “Ер меридианининг бир даражаси микдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим”, дея дастхат қолдирган.

Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига бобокалонимиз номи берилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200-йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир ҳайкаллари бунёд этилди, Фарғона давлат университетига Аҳмад Фарғоний номи берилди.


# УСТУРЛОБ, НИЛОМЕР ВА БОШҚАЛАР

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган.

**АҲМАД ФАРГОНИЙНИНГ  
«НИЛОМЕТР»  
УСКУНАСИ**



**ФАРГОНА ШАҲРИДАГИ  
АҲМАД ФАРГОНИЙ  
ҲАЙКАЛИ**



Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлганимда, ана шу ниломерни кўриб, бу улуғ аждодимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир бор ҳайратга тушиш баҳтига мұяссар бўлдим.

**Ислом КАРИМОВ**

# ЗАБТ ЭТИЛМАС ЧҮККИ

**Абу Райхон Беруний.** Бу буюк олим түғрисида энг тугал таърифни йирик немис шарқшуноси Карл Эдуард Захау берган: “Дунёда тоғлар кўп, лекин улар орасида шунчалик юксак бир чўққи борки, бу чўққини инсоният ҳеч қачон забт этолмайди. Бу – Берунийдир”.

Бу улуғ зот қанчалар улкан олим бўлганлигини, буюк тафаккурга эга эканлигини тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Абу Райхон Беруний ўрта асрлар буюк қомусий олимларнинг пешқадами эди. Унинг бу қадар буюклиги ўша даврнинг деярли барча фанларига қўшган бетакрор илмий меросида янада яққол намоён бўлади.

# БЕРУНИЙ ГЛОБУСИ ВА ГЕОДЕЗИЯ

Улуғ қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлик баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлик бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

**Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги гояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чикди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чикди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас.**

# ИБН СИНО

Ибн Сино номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Доимо яшил бўлиб турувчи тропик ўсимлик “Авиценния” деб аталган. Кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўқув ва тиббиёт муассасаларига унинг номи қўйилган, аллома шарафига медал ва мукофотлар таъсис этилган.

**Президентимиз Ислом  
Каримов 1998 йил 6 ноябрда  
ЮНЕСКОнинг халқаро Абу Али  
ибн Сино олтин медали билан  
такдирланди. Бу олий мукофот  
халқимизнинг умумбашарий  
цивилизация тараққиётига  
қўшган ҳиссаси ва хизматининг  
тан олиниши, давлатимиз  
томонидан тарихий, маданий,  
маънавий меросни асрраб-  
авайлаш, соғлом ва баркамол  
авлодни вояга етказиш борасида  
амалга оширилган ишларнинг  
муносиб баҳоси бўлди.**

# ТИБ ҚОНУНЛАРИ

Биз доим ғуур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди.

**Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айни шу асар асосида ўқитиб келинган. Ибн Сино ва Берунийнинг бизгача етиб келган Аристотелнинг “Коинот ҳақида китоб” асарига тааллуқли ёзишмалари буюк алломаларимизнинг илмий мулокот олиб бориш, антик давр фалсафий қарашларини чукур англаш ва уларни ривожлантириш борасида нақадар юксак даражага кўтарилганининг мумтоз намунасиdir.**

# ШАРҚ АРИСТОТЕЛИ

Хасрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантириди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда.

# МИРЗО УЛУҒБЕК

Мирзо Улуғбек юртимизнинг бир қатор шаҳарларида мадрасалар қурдирган, Самарқандда ўзига хос илмий муҳит, ҳозирги тилда айтганда, академия ташкил этган. У ерда 200 дан ортиқ олим фаолият юритган. Фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалалари тўла қамраб олинган Улуғбекнинг “Зиж”и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Европалик астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган.

**“Зижи Улугбек”, “Зижи жадиди Кўрагоний” номлари билан шуҳрат қозонган бу асарда 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган.**

**Юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, қуёш ва ойнинг ҳаракати, уларнинг тутилиш вактлари баён қилинган.** Бу ҳисоб-китоблар замонавий технологиялар орқали аниқланган кузатув натижаларидан деярли фарқ қилмайди.



**Масалан, Улугбек ҳисоби бўйича бир йил 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сонияни ташкил этади. Бугунги кунда бир йил 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сонияга teng.**

“Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996-йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Маёр жаноблари билан бўлган бир сұхбат ёдимга тушади. Ўшанда жаноб Маёр Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисобкитоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга қараб, йўқ жаноб Федерико Маёр, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим”.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан

# БИРИНЧИ ТУРКИЙ ЛУҒАТ

Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш “Девони луғатит-турк” китоби муаллифи Маҳмуд Кошғарий бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини — туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Кошғарий туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади.

# ЗАМАҲШАРИЙ ШУҲРАТИ

Араб тили грамматикасининг асосчиси сифатида тан олинган буюк тилшунос, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома — Маҳмуд Замаҳшарий ҳаётлик давридаёқ кенг шуҳрат қозонган. У, шунингдек, тарихдаги биринчи кўп тилли луғат — арабча-форсча-туркий луғатнинг асосчиси бўлган.

Албатта, биз барчамиз ўрта асрларда Шаркда яшаб ижод қилған, ўша давр воқеаларидан гувохлик берадиган бебаҳо асарлар яратған буюк тарихчилар авлодига, энг аввало, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, Хондамир, Абдураззок Самарқандий ва бошқа алломаларга ўзимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтиромимизни билдиришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

## **Мустақиллик йилларида қўйидаги алломаларнинг юбилейлари нишонланди**

**Абу Исо Термизийнинг 1220 йиллиги**

**Маҳмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги**

**Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги**

**Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги**

**Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги**

**Хўжа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги**



**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ МЕРОСИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ  
ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЯНА  
БИР БОР ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ**

# ШАРҚ РЕНЕССАНСИ



Шарқ, хусусан, Марказий Осиё миңтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда жаҳоннинг бошқа миңтақаларидағи Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир күрсатған. Шарқ уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равища тан олинған.

# ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлади.

# МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожида Хоразм  
Маъмун академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан  
кутубхона, мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби  
каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда юздан ортиқ  
алломалар, истеъодли талабалар илмий изланишлар  
олиб борган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний,  
Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Ҳўжандий, Аҳмад ибн  
Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурӣ  
каби қомусий олимларнинг умумбашарий тафаккур  
ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсdir.



ЮНЕСКО шафелигида Хоразм  
Маъмун академиясининг 1000-  
йиллиги нишонлангани, унинг  
фаолияти қайта ташкил этилгани  
мамлакатимизда аждодлар  
хотирасига, илм-фан ривожига  
қаратилаётган эътиборниңг  
ёрқин намунасиdir. Ҳозир бу  
қадимий ва навқирон илм  
масканида Хоразм тарихи, унинг  
ўзига хос маданияти, экологияси,  
ер ва сув ресурсларини ўрганиш  
бўйича илмий изланишлар давом  
эттирилмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ  
КАРИМОВНИНГ ХАЛҚАРО  
КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИДА  
ФАОЛИЯТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН  
ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР**

# Профессор Като (Япония)

Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бақтрия давлатини ўрганишга бағишлиланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг кўхна Далварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёning бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилган таржималари бизнинг улкан минтақамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди.

# Профессор Фредерик Старр (АҚШ)

таникли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи жаноблариdir. Унинг 2009 йилда “Марказий Осиёning янгитдан кашф этилиши” деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

# Профессор Мансура Хайдар (Ҳиндистон)

IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан буён самарали иш юритиб келмоқда. “Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти” деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишилаб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

# Аэрокосмик мухандислик соҳасидаги йирик Мутахассис Пак Чун-Бэ (Корея Республикаси)

Унинг бевосита ва шахсан иштироқида жорий йилда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлашга ихтисослашган Кореянинг машҳур Инҳа университети филиали очилади

# Профессор Магида Маҳлудф (Миср)

“Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг муҳими, бизнинг буюк аждодимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди

Лувен  
католик  
университети  
профессори  
Юль Янссенс  
(Бельгия)

Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ ишлар муаллифи. Олимнинг “Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири” китоби, “Абу Али ибн Сино ва унинг мероси” тўплами факт мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кенг эътироф этилди

# Профессор Ши Юнли (Хитой)

Ўрта асрларда Марказий Осиё, Хитой, Корея ва Европада астрономия тараққиётини қиёсий-тахлилий ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари катта шухрат қозонди. У астрономиянинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини оммалаштириш бўйича жаҳонга машҳур олим, айни пайтда Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёдаги қатор етакчи нашрларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси

# Доктор Марк Боннел (Франция)

У раҳбарлик қилаётган “Абу Али ибн Сино — Франция” уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга бекиёс ҳисса қўшмоқда

# Роберт Ван Гент (Голландия)

ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг буғунги долзарб муаммоларини эмас, айни пайтда уларнинг тараққиёт тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади



**З-МАВЗУ:  
ТАРИХИЙ, МАДАНИЙ ВА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕРОСНИ  
АСРАБ-АВАЙЛАШ, БОЙИТИШ  
ВА КҮПАЙТИРИШ, ЁШ  
АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ВА  
УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР  
РУХИДА ТАРБИЯЛАШ – ЮКСАК  
ТАРАККИЁТ АСОСИ**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСЛОҲОТИНИНГ БОИСИ

Ҳозирги глобаллашув даврида ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон этиб тарбиялаш – энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Бунда, шубҳасиз тарихий хотира, маданият, маърифат ҳал қилувчи кучга айланади. Шу боис ҳам, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, маънавий жабҳада, энг аввал таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, бир сўз билан айтганда, миллий маърифат тармоғини вужудга келтириш вазифаси қўйилди. Зеро, маърифат – ҳар бир халқни инсоний баркамоллик ва умумбашарий тараққиёт сари элтадиган йўлдир.



**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ – ИНТЕЛЕКТУАЛ  
САЛОХИЯТНИ ОШИРИШ,  
ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИ  
БОЙИТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

## **1. Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар:**

- иқлим ўзгаришлари,
- экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш ва асрлаб-авайлаш,
- табиий заҳираларнинг тугаб бориши ва бошқалар.

## **2. Муаммоларни ҳал этишнинг мұхим вазифалари:**

- интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсиши,
- күп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолаш,
- бизни қуршаб турған борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб бориш.

# ИНСОН КАПИТАЛИ

Нутқда “Табиийки, улкан ҳажмдаги маблағ ва харажатлар билан бирга, ўз навбатида, ўтмишда амалга оширилган бекиёс илмий ютуқлардан оқилона фойдаланиш талаб қилинишини ҳам ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шуларни эътиборга олганда, “XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асли” деган фикр бежиз айтилмагани ўз-ўзидан аён бўлади. Бугунги кунда “Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя — бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир” деган ҳақиқатнинг ҳаётда тобора мустаҳкам қарор топиб бораётгани тасодиф эмаслигини...” таъкидлаб ўтилди.

**ҚАНДАЙ  
ДАВЛАТЛАР  
ТАРАҚҚИЁТ  
ЙҰЛИДАН  
ЧЕТГА ЧИҚИБ  
КОЛИШИ  
МУМКИН?**

**Бу ўринда қуйидаги ҳал қилувчи омилларга эътибор қаратмайдиган ва ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда колиб кетиши мумкинилигига тўхталиб ўтилади.**

**Биринчидан, ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга,**

**Иккинчидан, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадрияtlар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган,**

**Учинчидан, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувиға, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган.**

Ўзбекистонда бугун яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу эса, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг зарурарти ва ролини тасдиқлаб беради.

# 9+3 СХЕМАСИ ХАҚИДА

Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу, авваламбор, 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини англатади. Агар инсон ўз мамлакати Конституцияси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини бажаришни истаса, у биринчи навбатда ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини тъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиб бериши керак.

# **БУ МОДЕЛНИНГ ПРИНЦИПИАЛ ХУСУСИЯТИ**

**Бу моделнинг принципиал хусусияти авваламбор шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллажлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайдилар.**

**Энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та коллаж ва лицейлар барпо этилган, улар юксак замонавий талаблар асосида бунёд этилган ва барча жиҳозлар билан таъминланган.**



**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТЛИ ОЛИЙ  
МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ, ИЛМИЙ-  
ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ,  
ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО  
ҲАМКОРЛИК ВА ЭРИШИЛГАН  
НАТИЖАЛАРНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ**

# ХОРИЖНИНГ НУФУЗЛИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ – ТОШКЕНТДА

Шуни эътиборга олиб, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда хорижий давлатлардаги нуфузли олий таълим муассасаларининг Тошкент шаҳрида 6 та филиаллари очилди. Халқаро Вестминстер университети, Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги Сингапур институти менежмент шулар жумласидан.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқувтажриба маркази ташкил этилмоқда. 2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инҳа университети филиали фаолият кўрсатади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер мұхандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади.

Ислом Каримов

# **2014 ЙИЛ – “СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ”**

Дарҳақиқат, таълим-тарбияни ривожлантириш аслида миллат келажаги йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири хисобланади. 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилдинди. “Соғлом бола” концепциясининг туб илдизи эса, тарихий тажриба ва аждоларимиз меросига таянган ҳолда болаларга ёшлигидан сабоқ бериш, ҳар томонлама камол топган ёшларни тарбиялаш, истеъододли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

# ЎЗБЕКИСТОН 141 МАМЛАКАТ ОРАСИДА 5-ЎРИНДА

Зеро, “Фарзандлари соғлом юрт құдратли бўлур” деган улуғвор ғоя бугунги кунда тобора ҳаётда ўз аксини топиб бораётганлигидан далолат берадимокда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — “ИНСЕАД” томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИИЗМИДА ЭРИШИЛГАН КҮРСАТКИЧЛАР:

- Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди.
- Бугунги кунда **70** та университет ва институтда **260** минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмокда.
- Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмокда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермокда.

# БИРИНЧИ ЎРИНГА ИНТИЛИБ ЯШАШГА ХАҚЛIMИЗ

Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида холисона хulosса чиқаргани учун миннатдормиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хulosалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан бехабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан рухланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсакда, биз шунга интилиб яшашга ҳақлимиз.



# ДАВРА СУХБАТИ МАВЗУЛАРИ

## Режа

1. Аждодлар маънавий мероси, тарихий анъана ва маданий қадриятларни англашда таълим-тарбия тизими тутган ўрни
2. XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри
3. Ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда тарихий хотира, маданият, маърифат ҳал қилувчи омиллардан бири эканлиги
4. Маърифат – ҳар бир халқни инсоний баркамоллик ва умумбашарий тараққиёт сари элтадиган йўл
5. Инсоният олдида турган янги, глобал муаммолар ва уларни ҳал этишнинг муҳим вазифалари
6. Ўзбекистонда таълим тизими тараққиётининг ҳалқаро эътирофи



# КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ МУНОСИБ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

# УШБУ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИНГ АҲАМИЯТИ

1. Мамлакатимиз ривожи ва унинг дунё ҳамжамиятидаги ўзига хос ўрни ва нуфузини кўрсататган бўлса,
2. Дунё ҳамжамияти тамаддунида юртимизнинг буюк мутаффакирлари қўшган ҳиссасини билиш, ўрганиш ва тарғиб этиш,
3. Бундай мавзудаги конференцияларнинг дунёда камдан-кам бўлиши, унинг натижасига кўра жуда бой материалларга эга бўлиш имкониятини юзага келиши,

**4. Шарқ қўлёзмаларида сақланаётган улкан меросдан барча-барча инсонлар баҳраманд бўлиши учун шароитлар яратишга қаратилғанлиги, бу эса, ўз навбатида одамларга, авваламбор, ёшларимизга етказишига йўналтирилғанлиги қаратилғанлигиги билан ҳам нақадар муҳим аҳамиятга эканлигини намоён этди ва тасдиқлаб берди.**

**5. Юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий ва тадқиқот марказлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланиб боришига муҳим омил бўлиб хизмат қилади**

**6. Олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги унибўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзаро алоқалари учун ҳам, улар дунёнинг қайси жойида яшаши, ўқиши, меҳнат қилишидан қатъи назар, кенг йўл очиб беради.**

# **ХУЛОСА ЎРНИДА**

Мен ёшларимизга мурожаат қилас  
эканман, уларга доимо: “Биз буюк  
аждодларимиз билан фахрланишимиз,  
ғуурланишимиз керак”, деб айтаман.  
Айни вақтда “Фақат ғуурланишнинг  
ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз  
ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо  
меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” деб  
такрорлайман.

**Ислом КАРИМОВ**

**ЭТЬИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАҲМАТ!**